



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

BOSHLANG'ICH TA'LIMGAGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA RIVOJLANISH OMILLARI

XALQARO ILMIIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАҒИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил, 1 -2 апрель

БУХОРО - 2021

vositalarining mavjudligiga, ta'lim jarayonining tashkiliy, ilmiy, metodik mukammalligiga bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Azizxo'jayeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. T.: 2006
2. Avliyoqulov N.X. Musayeva N. Pedagogik texnologiyalar. Toshkent., 2008

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

*У.Файзиева,
БухДУ.ўқитувчиси*

Биз яшаб турган дунё жуда жаддал суръатлар билан таниб булмас даражада узгариб кетгани руй-рост куришиб турибди. Сайёрамиз киефасига антропоген таъсир хозир геологик жараёнлар билан таккосланадиган булиб колди, баъзи бир холларда улардан хам утиб кетади.

Экологик халокат куз унгимизда дахшатли тахминдан олдини олиб булмайдиган вокеликка айланмокда. Масала факат ана шу халокатдан сакланиш устида эмас гап унинг таркалишини камайтириш, сайёрамизни хозирги ахволга олиб келиб куйган замонавий цивилизациянинг техноген ва ижтимоий-маданий окибатлари шиддатини тухтатиш устидадир. Лекин бу содир булаётган вокеалар сабаблари тугрисида уйлашга кечикилди, деган маънони билдирмайди. Аксинча, агар уша сабабларни охиригача англаб олиниб, уни чукуррок тадкик килинмаса, салбий окибатлардаи кутулиш учун килинадиган барча шошилиш чоралар аксига олиб ахволни янада ёмонлаштириши мумкин.

Инсоният хаёти уни ураб турган табиий мухит билан узвий боглик, булиб, бунни тасдиклайдиган манбалар хар кадамда учраб туради.

Жахон куламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инкилоби одамларнинг мехнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у тугдирган экологик узгаришлар, уз навбатида, инсониятга, уни уз багрида саклаётган она табиатга асоратли таъсир кур-сатмокда.

Бизни ураб турган табиатни чиндан хам она деса булади. Чунки у бутун борликни хаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, туйдиради, кийинтиради. Ана шундай мархаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита боглик одамзод ва жониворларни зур тахликага солиб куйиши мумкин.

Дархакикат, хозир табиатни мухофаза килиш долзарб, кечиктириб булмайдиган муаммолардан бири булиб колди.

Маълумки, Сирдарё ва Амударё оралигида — тарихий Мовароуннахр худудида, Марказий Осиёнинг ахолиси жихатдан энг йирик давлати — Ватанимиз Узбекистон ястаниб ётади. Бу ерда кадимий маданият сохиби булган узбек халки яшайди. Унинг салкам ярим миллион км² келадиган майдонида яшаётган 25 миллиондан ортик, киши хаёти учун аскотадиган, шунингдек саноат корхоналари учун ниhoятда зарур хом ашёлар — кумир, маъданлар, ноёб ва нодир металлар, нефть хамда табиий газ билан бирга урмон бойликлари, арзон электр куввати манбаи булган жушкин окар дарёлар, довруги жахонга машхур зилол сувли

куллар, антика коракул тери ва бошка махсулот берувчи хайвонот олами мул-кулдир.

Хозирга келиб, Ўзбекистонимизда инсон қадами етмаган бирорта жой, кули тегмаган нарса колмади. Каерга борманг, у ерда хаёт кайнаётганини, одамлар махаллий табиат неъматларидан бахраманд булаётганини курасиз. Лекин, афсуски, табиат бойликларидан бережа, кур-курона фойдаланиш, унинг эхсонларини суистеъмол килиш, зур ва забардаст техниканинг турмушга кириб келиши, ер каърига, юксак фазога кул чузиш, шунингдек кимёвий моддалардан кенг жабхаларда беармон фойдаланиш, уз навбатида, атроф-мухитга озор бермокда. Бу эса мазкур жойларда яшовчи жониворларга, шу жумладан инсон саломатлигига бевосита ёки билвосита салбий таъсир курсатмай колмайди.

Фан-техника тараккиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда. Дунёнинг жугрофий-сиёсий тузилиши узгармокда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага курсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараккиёт билан кулай табиий мухитни саклаб колишнинг узаро таъсирини уйгунлаштириш, инсон ва табиатнинг узаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб булиб колмокда

Халкаро хамжамият инсоннинг нафакат яшаш, хукуки, балки тулакони ва соглом турмуш кечириши учун зарур муътадил атроф мухит шароитларига хам булган хукукларининг мукаддас ва дахлсизлигини аллакачонлар эътироф этган.

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг мухим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда хал этилса, куп жихатдан хозирги ва келгуси авлод турмушининг ахволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иктисодиётнинг ишлаб чикариш билан боглик, тармокларини экологик жихатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имконига эга булинади. Маълумки, табиатнинг холати бирданига ва дархол ёмонлашиб колмайди. Бу жараён узок вакт давом этади. Бошкача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради.

Экология хозирги замоннинг кенг микёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни хал этиш барча халкларнинг манфаатларига мос булиб, цивилизациянинг хозирги куни ва келажаги куп жихатдан ана шу муаммонинг хал килинишига богликдир.

Маълумки, фалсафанинг мухим масалаларидан бири олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараккиёти алохида уринга эга. Фалсафанинг мухим мавзулари борлик фалсафаси, табиат фалсафаси, ривожланиш ва узаро алокадорликнинг умумий конуниятлари каби мавзуларни мухокама килишда табиат, унинг тузилиши ва ривожланиши, табиат ва жамият, уларнинг узаро алокаси, Ердаги хаёт ва биосоциал революция, борлик ва унинг мавжудлик шакллари, табиатни фалсафий тушунишнинг ахамияти каби масалалар устида фикр юритилади.

Инсоннинг табиий мухитга таъсири даврлар утиши Билан сезиларли даражада узгашиб бормокда. Инсон биосферадаги табиий мухитни атроф мухитга нотугри муносабатга булганлиги туфайли издан чикара бошлади.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислон Каримов узининг «Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули» асарида республикамиз

экологик холати тугрисида гапирар экан, «табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-мухитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятни ёмонлашувига йул куймаслик, бошка давлатларнинг иштирокида Оролни куткариш, Орол буйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, мазкур минтакаларнинг иктисодий ва ижтимоий соҳасидаги халокатли оқибатларни бартараф этиш лозим эканлигини алоҳида курсатиб утади. «Табиат, жамият-инсон» ягона бир бутунликни ташкил этади; инсон табиатнинг бир қисми; ривожлантириш табиатни узгартириш омили ҳисобланади» деган асосий қоидаги асосланади.

Инсоният тарихи табиат тарихининг бир қисми бўлиб, уни узгартириш инсон ҳаётининг асосини ташкил этади. Табиат қонунлари бирламчидир.

Табиат билан жамият уртасидаги узаро алоқадорликни курсатишнинг узи талабаларда реал дунёнинг бир бутун эканлиги тугрисидаги дунёқарашга ҳос билимларни янада бойитади. Табиатни тушуниш ва у билан мулоқатда бўлиш шахснинг ахлокий тарбияси, уни инсонпарварлик хусусиятларига даъват этади.

Талабаларга эстетика дарсларида табиат-гузалликнинг битмас туганмас манбаи эканлиги ҳақида сабоқ берилиб, унга зарар келтирувчи кучларга Қарши турувчи инсонни қамол топиши руҳида тарбияланади. Бугунги кунда ҳар бир утадиган дарс машғулотларимизда ҳам, дардан ташқаридаги тадбирларда ҳам биз талаба ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга эътибор беришимиз лозим. Экологик маданиятнинг ривожланиши шахснинг табиатга нисбатан юқори даражадаги масъулиятини ифодалайди. Табиатга янгича маданий муносабатларни шаклланиши тўла мазмундаги инсонпарварлик гоёларини узида мужассамлаштиради.

Экологик таълим ва тарбия тугрисидаги дастлабки оддий тушунчалар богча ва урта мактаблардан бошланади. Мактабда утиладиган назарий экология биология фанлари асосида уқитилиб, уқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ташқи мухитни эҳтиёткорлик билан муҳофаза қилувчилар этиб тайёрлаш ишига ёрдам бериши керак.

Экологик тарбия-ахлокий тарбиянинг ажралмас қисмидир. Кишиларда экологик онг ва тафаккурни, дунёқарашни ҳосил қилиш табиатни диалектик тушунишига ёрдам беради. Ҳамма босқичларда экологик таълим-тарбияни талаб этилган даражада амалга ошириш учун бу вазифанинг муҳимлигини ва масъулиятини яхши билган ёшларни тайёрлаш зарур. «Қуш уясида қурганини қилади» деган халқимизда доно мақол бор шундай экан биз уқувчи ёшларга мактабданок, қолаверса богчаданок экологик тарбия беришга ҳаракат қилишимиз керак. Экологик мазмунлар билан бойитилган уйинлар уқувчиларда экологик масалани долзарблиги ҳақида тасаввур уйғотади унга ахлокий йуналиш бағишлайди. Уйин воситалари билан амалга ошириладиган уқув жараёнида уқувчилар уз фикрини аниқ тушунарли равишда баён қилиш билан бирга узида бошқалар билан мулоқотда бўлиш сифатларини ҳам шакллантиради. Уқитувчи келаси машғулотларгача ҳар бир гуруҳ учун олдиндан танлаб олинган мавзу буйича мустақил вазифа беради. Масалан: «Генофондни муҳофаза қилиш», «Маҳаллий экосистема ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш», «Мустақил давлатлар ҳамдустлигидаги ҳайвонот ва усимлик турларидан унумли

фойдаланиш» ва шунга ухшаш мавзулар укувчиларга вазифа сифатида топширилади.

Шунга ухшаш уйинлар кичик ёшдаги болаларни экологик савияси ва маданиятини оширига яқиндан ёрдам беради деб уйлаймиз. Экологик кадриятларга нисбатан хиссиётни ва инсоний эмпатияни шакллантириш ушиб келаётган ёш авлодни экологик тарбияси мазмунини ташкил этиши аниқ ва равшандир. Агар укувчи ёшларда экологик тарбия ва маданиятни шакллантира олсак келажакда катор экологик муаммоларни олдини оламиз, ушиб келаётган ёшлар бундай экологик муаммолар чиқишига йул куймайдилар деган умиддамиз.

Мамлакатимизда Янги қабул қилинган «Таълим тугрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури тарбиячилар, укутувчилар, жамоатчилик олдига ёшларга таълим ва тарбия беришнинг янги сифатини таъминлаш асосида жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маънавий тараккиётини жадаллаштириш каби вазифаларни куймоқда.

Мактабни политехникалашни чуқурлаштириш укувчиларга замонавий иктисодий, ҳуқуқий тушунчалар бериш билан бирга экологик таълим ва тарбияга алоҳида эътибор бериши лозим. Экологик таълим ва тарбия ҳозирги кунда жамиятнинг галдаги вазифаси эмас, балки унинг келажакда яшаб қолишини белгилловчи мезондир. Унинг мазмуни янги авулоднинг дунёқарашига кириб олиши, фаолиятида асос булиши керак.

Экологик таълим ва тарбия чамбарчас боғлиқдир. Уларни оилада, боғчада, мактабда амалга ошириш зарур. Табиатни болалар анча эрта тушуна бошлайди. Аниқланишича, 2 ёшида яхши ва ёмонни фарқида боради, 3 ёшда акли тараккий эта бошлайди, 4 ёшида ақл мустахкамланиб, унинг иккинчи табиатига айланади. Инсон ақлий қобилияти умумий ривожини тенг ярмини 3-4 ёшида, 30 фоизи – 4-8 ёшлиқда, қолган 20 фоизи – 8-17 ёшлиғида намоён бўлади.

Экологик таълим ва тарбияни амалга оширишда оиланинг роли ката. Бу ҳолатни муваффақияти ота-онани қасби, билим даражаси, ҳаётий тажрибасига ва бошқа омилларга боғлиқ. Табиат, наботат, ҳайвонот ҳақидаги ҳикоялар, табиат кучогига, боғ-роғларга қилинадиган оилавий экскурсиялар, ота-онанинг шу соҳадаги шахсий ибратлари болага қучли таъсир қилади. Болаларни гул, экин экишга, уларни парваришга далб этиш, жониворларни, уй ҳайвонларини севишга, асрашга ургатиш дунёқарашни ривожлантиради, мустахкамлайди. Оиладаги самарали экологик таълим ва тарбия боғчада, мактабда, жамоа ичида янада қучаяди, мевасини бера бошлайди.

Экологик таълим ва тарбияни ҳаётга жорий этилишида мактаб биологиясининг мавқеи буюқ, унинг қонунлари бу соҳани етакчиси дир. Чунки, фақат тирик табиат уз қуйнидан эволюция қилиб чиққан инсонни қишилиқ жамиятини ҳаёт хомашёси, ҳаёт майдони ва келажак билан таъминлайди.

Эндиликда тирик табиатни қандай туззилганлигини, фойдаланганда одамлар биологик қонунларнинг қайси бирига риоя қилишлари зарурлигини англамай экологик таълим ва тарбия ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Бугун одамлар экологик вазиятнинг танг эканлигини яққол тушуна бошладилар. Бу ҳодиса фақат жамиятнинг техник қувватини ушиб, демографик портлаш билан боғлиқ бўлмай, маълум даражада экологиянинг Фан сифатида

етилиши, унинг конунлари жамиятнинг табиатга муносабатларини, социал-техник фаолиятини камраб олганлигини тушунганликларига бориб такалади. Экологик тангликларнинг асосий сабабчиси инсон эканлиги эндиликда аён. Бу хулоса экологияни ижтимоий онгдаги мавқеини киска вақт ичида узгартирди. Натижада ҳаётнинг турли соҳаларини экологиялаштириш авж олди, илм чорраҳаларида Янги йуналишлар шаклланди. Асосий негиздаги экология кейинги режага суриб куйилди. Антропоцентрик ёндошиш кучайди.

Бундай ҳолат экология тушунчасини бошқа соҳалар билан кушилиб кетишини Яна ҳам тезлатди. Фалсафа, ҳулк-атвор, сиёсат, маданият ва бошқаларда экология номи кушиб ишлатилди. Оқибатда, экология узининг асл, соф илмий мазмуни доирасидан чиқди. «Фанлар оралиги» шиори остида экология мактабларнинг ҳозирги дастурига киритилди. Унда экологиядаги муҳим биологик асослар кам ёритилган. Асосий эътибор оқибатларга қаратилиб табиатга онгли муносабатда бўлишни таъминловчи экология конунлари буш ёритилган.

Бундан 30-40 йил аввал экологик муаммоларнинг муҳимлигини жамоат, сиёсат арбобларига исботлаш зарурияти тугилган эди. Ҳозир эса вазият бутунлай бошқача. Вазиятни тугри тушуниш, баҳолаш учун Дуне ва регионлар микёсида қуп иш қилинди. Экологик таълим ва тарбияга эътибор кучайди. Бунда экологияга доир халқаро, миллий илмий дастурларни қабул қилиниши ва уларни бажарилиши, яқунлари таҳлил этилиши муҳим роль уйнайди. Айниқса, 1964 йилда қабул қилинган Халқаро биологик дастур, унинг мантикий давоми бўлган «Инсон ва биосфера» (1970) дастури қата воқеа бўлди. Шу дастурларни бажарилиши натижасида инсоният тарихида илк бор планетанинг биологик маҳсулдорлиги асосий энергетик резерв деб баҳоланди, уни микдорий тавсифи аниқланди. Мактаблар дастурига экологик таълим ва тарбия элементлари шу даврда киритилди. Инсон ва биосфера дастури туфайли планетар экологик узгаришлар (сув, тупрокни ифлосланиши, ҳаво таркибини узгариши, озонли қатламни юпқалашиши ва бошқалар) тугрисида маълумотлар олинди, кенг тарғибот қилинди. Бу мавзу мактаб, уқув юртларини умум таълим фанлари мазмунига киритилди.

Ҳозирги даврда «Глобал узгаришлар» халқаро дастури ҳаракатда, у асосан таджикотнинг геофизик ва космик услублари билан фаолият курсатмоқда. Аниқ биологик билимлар танқислиги туфайли дастурнинг самарадорлиги паст бўлмоқда. Шу муносабат билан 1990 йилда Женева кенгашида маҳсус халқаро дастур – «Биологик хилма-хиллик»ни ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланган эди. Кейинроқ 1992 йилда БМТнинг Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган атроф-муҳит ва ривожланиш буйича конференциясида биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенция имзоланди. 1993 йилга келиб 168 давлат унинг иштирокчиси бўлди. 1995 йилда Ўзбекистон ҳам Ушбу Конвенцияга қушилди, узининг миллий стратегия ва ҳаракат режасини тайёрлади. Бу ҳужжат мамлакатимизда биологик хилма-хилликни сақлаш соҳасидаги устивор йуналишлар ва таджикот режаларини, Амалий фаолият ва экологик таълимнинг 1988-2007, 2017 йилгача бўлган истикболларини белгилаб берди. Дастурда асосий эътибор биосферани фаолият курсатишидаги биологик асосларга, экосистемалар турғунлигини биологик механизмларига, популяциялар, турлар ва жамоалар ҳаётининг

конунларига, хаётни нозик механизмларини химоя килишга каратилган. Биологик хилма-хиллик конунларини урганиш экологик таълим ва тарбияни тараккиётида Янги боскичдир. Унинг заминида биологик билимларнинг мустахкам пойдевори булиши керак.

<i>Тешабоев А.Ю.</i> Современные подходы к физическому развитию детей дошкольного возраста	490
<i>Choʻlliyeva G.T., Fayziyeva D.T.</i> Ot soʻz turkumini oʻrganishda oʻquvchilarning soʻz boyligini oshirish imkoniyatlari	492
<i>Акрамов А.Ш.</i> Новый подход изучения отношения к здоровому образу жизни	494
<i>Гафоров Ш.У.</i> Современные технологии формирования и развития здорового образа жизни личности	498
<i>Ubaydullayeva Sharofat.</i> Boshlangʻich sinf matematika darslarida oʻquvchilarning tafakkurini rivojlantirish	502
<i>Saidova M.J., Aminjonova G.</i> Boshlangʻich sinf matematika darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanishning didaktik tamoyillari	504
<i>Saidova M.J., Elova M.</i> Harakatga oid masalalarni axborot texnologiyalar asosida tushuntirish metodikasini takomillashtirish	507
<i>Jumaniyozova Muhabbat Xoʻsinovna.</i> boshlangʻich taʼlim hikoya oʻqish darslarida insoniy fazilatlarni singdirish	512
<i>Авезов С.С.</i> Навой ижодида фольклор аънаналари	514
<i>Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи, Шойимқулова Мадина.</i> Бошлангич синф ўқитувчисининг ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциявий фаолияти	518
<i>Hakimov F.N., Qosimova A.F.</i> Boshlangʻich sinflarda kreativ qobiliyatlarini shakllantirishning psixologik xususiyatlari	521
<i>Садуллаева М. Г., Квитко Фаина.</i> Современные приемы обучения написанию сочинений в начальных классах	524
<i>Rustamova Gavhar Bahron qizi.</i> Oʻzbek xalq qoʻshiqlarida mevali daraxtlarning obrazlantirilishi	526
<i>Адиба Бахронова.</i> Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини дардан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш йўллари	528
<i>Dilova Nargiza Gaybullaevna. Raxmatullayeva Nilufar Komiljonovna.</i> Sinfдан tashqari oʻqishda pedagogik texnologiyalarni qoʻllash mazmuni	534
<i>Xalikova Umida Mirovna.</i> Maktabgacha va boshlangʻich taʼlim integratsiyasida raqamli texnologiyalarning oʻrni	538
<i>Azimova U. L.</i> Boshlangʻich sinf matematika darslarida innovatsion usullar orqali oʻquvchilarning ogʻzaki hisoblash koʻnikmalarini baholash yoʻllari	543
<i>Raxmonova M. M.</i> Boshlangʻich sinf oʻqish darslarida interfaol usullar bilan ishlashning nazariy asoslari	548
<i>Rustamova Sh.S.</i> Boshlangʻich sinf oʻqituvchisining metodik-matematik tayyorgarligi taʼlim sifatining kafoloti	550
<i>Safarova N.K.</i> Boshlangʻich sinf oʻquvchilarini oʻqitishda vaqtdan unumli foydalanish ularda hayotiy kompetensiyalarni shakllantirish omili	553
<i>Chòliyeva S.S.</i>Boshlangʻich sinf oʻqish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	558
<i>Qalandarova S.</i> Savod oʻrgatish davrida interfaol metodlarni qoʻllash orqali oʻquvchilar faolligin ioshirish	561
<i>Shokirova S.Z.</i> Boshlangʻich sinf oʻqish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	564
<i>Shukurova L.S.</i> Boshlangʻich sinf matematika darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	566
<i>Файзуева У.</i> Экологик тарбия маданиятини ривожлантириш ва шакллантириш муаммолари	568